

# ҲАЁТ БЕШИГИ

**Профессор Патхулла ИСМАТУЛЛАЕВ сувратига чизгилар**

**СУВРАТОСТИ СЎЗ.** Олтмишинчи йилларда Москвадаги кимё машинасозлиги институтини тамомлаб, Тошкент политехника институтига ишга киради. Сўнгра ТошПИ илмий бўлим мудири, илмий ишлар проректори, Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги олий ўқув юртлари бош бошқармаси бошлиғи, ҳозирги кунда Тошкент кимё-технология институти проректори вазифасида хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи. 500дан ортиқ илмий-услубий мақолалар муаллифи. Салкам 40 йиллик давр мобайнида профессор Исматуллаев раҳбарлигида кўплаб муҳандислар етишиб чиқди.

**КЕЧИНМА**. Қодир эгам бу кўҳна Заминда инсон аталмиш ноёб мўъжиза бино қилди. Дастлаб унга кўл ато этди. Лекин у пайпасланиб Аллоҳни тополмади. Унга забон берди. Бироқ, у ўз даъватлари ичра қолиб кетди. Ва билохир унга қалбни неъмат қилди ҳамда иноят айлади: назарим сенинг қалбингда. Мени тани...

Инсон. Бу фоний дунёнинг савобу гуноҳи, бидъату маърифати, оқу қораси унда мужассам. Сизга маслаҳатим: замон талотўплари, дабдабаю асъасаларидан чарчасангиз, бир комил инсон билан суҳбатлашинг. Руҳингиз тозаради. Беғубор бўласиз. Аллоҳнинг назарини туясиз.

**1**

Патхулла аканинг хонасига кириб бораман. Илиқ қарши олади. Кўзлари қизаринқираган. Столи устидаги Мирзо Улуғбекнинг «Тўрт улус тарихи»га кўзим тушади. «Тарихга қизиқасизми?», деб сўрайман китобга ишора қилиб.

– Тарих қизиқиш учун эмас, балки билиш учун ўқилади, – жавоб беради у киши. – Билим идрок қилишга олиб келади. Идрок қилган одам эса йўлида қоқилмайди. Ўз тарихимизни билмаслик, қадриятларимизни унутиш бизни не кўйларга солиб қўйганини ўзингиз яхши биласиз. Шукрки, машъум пардалар йиртилди. Мустақилликка етдик. Мозий гувоҳ – халқимиз ноёб. Унинг энди келажаги порлоқ бўлади.

Патхулла ака жим қолади. Стол устида эса «Тарих»нинг очиқ саҳифалари...

**КЕЧИНМА**. Қишлоғимизда Норбой деган девона бўлгувчи эди. Биз, бир тўда қора-қура болалар, ота-оналаримизнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, у билан ўйнашишни хуш кўрардик. Ҳар гал «Норбой, ана олабўжи» деб тегишсак, «устоз» деб бақириб,бир орқага тисланарди-да, сўнг бизни қувиб қоларди.

Норбойнинг нима учун фақат шу сўзни такрорлаши менга қоронғу. Лекин ўша даврдаги болалик хотирамда «устоз» сўзи илоҳий бир тимсол сифатида муҳрланиб қолган.

**2**

– Келишда коридорда турган катта тувакдаги гулни кўрдингизми? Барглари сарғайиб ётибди. Ёруғлик яхши тушмайди. Мен илмни қуёшга менгзагим келади. Маърифатсиз жамият эса ўша тувакдаги гиёҳ мисоли авжсиз ётаверади. Шунинг учун бугунги кунда юртимизда илм-фан ривожига жуда улкан эътибор берилаяпти.

Шу пайт Патхулла акани чақириб қолишади. У бир гуруҳ шогирдлари даврасида қолиб кетади.

Халақит бермайман.

**КЕЧИНМА.** Баланд тоғдаги чашмани кузатганмисиз? У қайроқ тошларни ювиб, тўзғоқ қумларни оқизиб, яшил қиёқлар аро югуриб, жилғага қўшилиб кетади. Ҳаётда ҳам шундай. Инсон ўз мақсади билан ҳаёт оқимига тушиб кетади. Ҳув наридаги мовий кенгликка интилади. Мақсад бўлмаса-чи? Бебош чашма каби улоқиб-улоқиб, қум остига сингиб кетади.

**3**

«Ҳурматли Патхулла Раҳматович. Олий мактаб Халқаро академияси йиғилишида мазкур Академиянинг ҳақиқий аъзоси этиб сайланганингизни маълум қилиш билан шодлигимни билдираман. Академиямиз олиб бораётган мурувватли иш ва вазифаларга бундан буён ҳам ўз ҳиссангизни қўшиб боришингизни тилаб, Президиум сизни яна бир бор табриклайди. Сизга сиҳат-саломатлик ва ижодий муваффақиятлар тилайман. Президент В. Е. Шукшунов».

Бу аслида мақсадли ҳаётнинг, умидлар рўёбининг бир кўриниши, Патхулла аканинг ҳаёт тарзи. Бундайин тақдир ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

**КЕЧИНМА.** Бир закийдан сўрамишлар:

– Жужан (манқурт)лар ҳалокати недин?

– Тилини йўқотиб туққан еридан, динини йўқотиб осмондан-да ажралди.

**4**

Патхулла ака билан олийгоҳ ҳовлисида айланиб юрамиз. Ўтган-кетган талаба салом бериб ўтади.

– Салом ўзбекнинг кўрки-да. Бир-бирига тинчлик, омонлик тилашга нима етсин. Зеро, ана шу тилак меҳрни пайдо қилади. Мен тарбияни болалар кўнглига саломни сингдиришдан бошлаган бўлардим.

Пайтдан фойдаланиб, бугунги ёшлар тўғрисида сўрайман.

– Ёшларга жуда ҳавасим келади. Барчаси жўшқин, илмга чанқоқ. Яна ҳам муҳими, ўз салоҳиятларини ишга солиш учун имконият бор. Биз бундай шарт-шароитларни фақат орзу қилардик, холос. Ёшларимиз эртанги кун тиргаги бўлишига ишонаман.

Биз Патхулла ака билан узоқ гурунглашдик. Орзуларини айтди. Армонларини гапирди. Армонлардан интилиш туғилади. Интилиш эса – ҳаёт бешиги.

**Асқар ШОКИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»НИНГ ЯНГИ МАВСУМИ



**Бугун «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган белги остида ўтказилаётган ушбу республика савдо кўргазмасига мамлакатимизда иш юритаётган юзга яқин қўшма корхоналар, йирик фирмалар ва республика «Бизнес-фонд»и, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорлар ташриф буюришган. Бундан мақсад қўшма корхоналар ташкил этиш, янги технологиялар харид қилиш, олди-сотди ишларни амалга оширишдан иборатдир.**

**– Ўзбекистонга сармоя киритишимиз учун, аввало, ишни савдо кўргазмасидан бошлаганмиз, — дейди Германиянинг Ўзбекистондаги «Пфафф Зингер» савдо уйи бош директори ўринбосари Рустам Зуфаров. – Ўтган икки йил ичида республиканинг Тўрақўрғон, Чуст, Ёзёвон, Қамаши, Чироқчи ва Қоракўл туманларида тикувчиликка ихтисослаштирилган ўнга яқин қўшма корхоналар очишга эришдик. Уларда тайёрланган маҳсулотлар Қозоғистон, Қирғизистон ва Россияга экспорт қилинмоқда. Ҳозирча эса республика «Бизнес-фонд»и, Меҳнат вазирлиги мутасаддилари аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринларини ташкил этиш юзасидан ўзларининг таклифларини билдиришди. Буни биз, албатта, ўрганиб чиқамиз. Бир сўз билан айтганда, савдо ярмаркаси Ўзбекистонга Германиянинг «Пфафф Зингер» концернининг катта миқдорда сармоя киритиши учун катта имкониятлар эшигини очмоқда.**

**– Ярмарка аҳамияти хусусида кўп гапириш мумкин, — дейди «Туфин» Ўзбекистон-Исроил қўшма корхонаси бош директори ўринбосари Давид Лавичник. – Жумладан, ўтган йилги ана шундай савдо ярмаркасида Исроил, Дания ва АҚШ давлатлари билан қарийб 600 минг долларлик шартнома тузиб, қандолат маҳсулотлари**



**экспорт қилгандик. Бугун ҳам хорижлик ва ўзимизнинг тадбиркорлардан ўнга яқин таклифлар тушди.**

**Дарҳақиқат, мазкур савдо ярмаркасида ўз маҳсулотларини кўз-кўз қилаётган Ватанимиз тадбиркорлари тўғрисида ҳам илиқ гапларни айтиш мумкин. Айниқса, Андижондаги «Марҳамат» ҳиссадорлик жамияти вакиллари кўргазманинг дастлабки куниданоқ хорижга қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти учун 1 миллион сўмлик шартнома имзолаганлиги ва шунингдек, Қува дон маҳсулотлари, Хоразмдаги «Ҳунарманд» уюшмаси аъзолари тайёрлаган кулолчилик буюмлари, «Ўзмевасабзавот-холдинг» компаниясининг бирйўла 17 та қўшма корхонаси намойиш этган маҳсулотлари кишининг кўзини қувонтиради. Шунингдек, ярмарка иштирокчиларида «Ўзотайўл» ва Тошкент трактор заводининг микроавтобусларини, тракторлари ва хусусий тадбиркорларнинг ихтиролари катта таассурот қолдирди.**

**Б. ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

*Йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги давом этмоқда*

# КЕСИБ ЎТМА ҲАР ЖОЙДАН...

**Мамлакатимизда давом этаётган йўл ҳаракати хавфсизлиги ойлиги муносабати билан айрим фикр ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Мени бунга даъват этган нарса, аввало, масаланинг ўта муҳимлиги, мураккаблиги қолаверса, ойликни самарали ўтказишга қаратилган баъзи мулоҳазаларни вақтида айтиш истагидир.**

Остона ҳатлаб кўчага чиқаётган одамга йўлинг оқ бўлсин, деб беҳуда айтилмайди. Бу йўловчига билдирилган тилаккина эмас, балки, эсон-омонлигинг аввало Худога, қолаверса, ўзингга боғлиқ, деган эслатма ҳам. Унутмагинки, Худо сақланганни сақлайди, дея уқтириш ҳам. Йўлнинг оқлиги — инсоннинг саломатлиги, эсон-омон ўз манзилига қайтиб келиши белгисидир.

Оқ йўлни қоронғу қилувчи сабаблар кўп, бу ўринда мен шулардан иккитасига тўхталмоқчиман. Биринчиси пиёдаларнинг савияси, иккинчиси ёшларнинг, айниқса, болаларнинг йўл қоидаларини билмаслиги билан боғлиқ. Масала тушунарли бўлиши учун пойтахтнинг гавжум жойларидаги ҳар кунги ҳолатни эслатиб ўтиш ўринли. Марказий универмаг билан Яшил гумбазлар хиёбони оралиғидаги йўлни олинг. Йўлда ҳамиша машиналар ҳам, пиёдалар ҳам тирбанд. Бири иккинчисига йўл беришни истамайди, иккинчиси эса бир дақиқа бўлсин кутиб туришни. Бу ердан жуда кўп автобус ва троллейбуслар қатнашини, керакли машинани кўрган йўловчининг бекатга интилишини ҳисобга олсангиз вазиятни бирмунча тўлароқ тасаввур этасиз.

Худди шундай ҳолатни Амир Темур хиёбонининг Курант тарафида, Себзор билан «Ганга» дўкони оралиғидаги чорраҳа атрофида, бошқа серқатнов жойларда ҳам кўрамиз. Табиийки, бошқа манзил-маконларга қараганда бундай йўлларда авария кўпроқ учрайди. Хўш, айб кўпроқ кимга юкланади? Биринчи навбатда ҳайдовчига. Буни расмий маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Йўлларда содир бўлаётган бахтсиз ҳодисаларнинг саксон фоиздан кўпроғи ҳайдовчиларнинг уқувсизлиги ва хатолари оқибатида рўй бермоқда. Бу алоҳида таҳлилни талаб этувчи муаммо. Юқорида таъкидланганидек гап пиёдалар билан боғлиқ масалалар устида боряпти. Аниқроқ қилиб айтганда пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларини тўлиқ билмасликлари ва билатуриб бузишлари оқибатида содир бўлаётган мусибатлар борасида кетяпти. Ўтган йилнинг ўзида республика бўйича 420 мингдан кўпроқ қоидабузар пиёда аниқланган, жами бахтсиз ҳодисаларнинг 20 фоиздан ортиғи шуларнинг айби билан рўй берган.

Аслини олганда, қизил чироқ ёнганида тўхташ, мумкин бўлмаган жойдан йўлни кесиб ўтмаслик учун махсус тайёргарлик ва билим талаб этилмайди. Одам ўзи ва бошқаларнинг ҳаёти учун масъулият сезса, ҳушёрликни қўлдан бермаса, қоидани бузмаса бас. Халқимизда бало қаерда, оёғингнинг остида, деган гап бор. Оёқнинг остидан туйқус чиқиб қоладиган офатни четлаб ўтиш учун одам аввало ўзи интизомли, сезгир бўлмоғи, боз устига ён-атрофдагилар бир-бирига раҳмдиллик кўрсатмоғи, ёрдами ва ғамхўрлигини дариғ тутмаслиги керак. Зеро, ўзаро хушмуомалалик йўл ҳаракати қоидаларида алоҳида банд билан кўрсатилган. Шошқалоқ ҳайдовчига бағри кенг йўловчи, нописанд йўловчига вазмин ҳайдовчи бир зумгина йўл бериб турадиган бўлса, кўп офатларнинг олди олинмасмиди! Қоида бор, лекин шу билан бир қаторда ўзаро лутф-такаллуф, меҳр-мурувват деган фазилатлар ҳам бор-ку, ахир, халқимизда.

Энди, йўллардаги хавф-хатардан болаларни асраш масаласига эътиборингизни жалб этмоқчиман. Ҳар йили минглаб болалар йўлларда жароҳатланаётган бир пайтда, гапнинг очиғи, бунга эътиборни қаратишга истиҳола ҳам қиласан киши. Токи гап-сўздан амалий ишга сезиларли тарзда ўтилмас экан, болаларни йўл офатларидан асраш қийин бўлади. Амалий иш деганда болаларни гўдаклигидан бошлаб йўлда тўғри юраолишга ўргатишга қаратилган тадбирлар назарда тутилади, албатта. Бу иш ҳам уйда, ҳам боғчалар, мактабларда изчил ва самарали олиб борилганидагина кутилган натижаларни бериши мумкин.

Йўл ҳаракати қоидаларини мактабларда махсус дарс сифатида ўқитиш, шунга монанд амалий машғулотлар ўтказиладиган жойлар бўлиши айни муддаодир. Болаларнинг боғлари бизда ҳам бор. Тошкент шаҳрида бир неча ўринда шундай боғлар ташкил этилган. Яқинда Хоразмда ҳам айнан шундай боғ қурилиб фойдаланишга топширилди. Гап ана шундай боғларда автошаҳарчалар бунёд этиш тўғрисида боряпти. Буни шаҳар ва туманларнинг истироҳат боғларида ҳам яратиш мумкин. Албатта, бошламанинг ўз жонкуярлари, фидойилари, ҳомийлари бўлиши, конкурс асосида лойиҳалар ишланиши, мутасадди ташкилотлар, маҳалла қўмиталари барча ишларни ташкил этишлари ва мувофиқлаштириб боришлари керак бўлади. Дарсликлар, кўргазмали қуроллар, кадрлар тайёрлаш ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Фойдали ишнинг заҳматидан одамларимиз ҳеч қачон қочмаган ва қочмайдилар.

Охирги гап бевосита биз, ижодкорларга тегишли. Йўл ҳаракати хавфсизлиги оддий тушунтиришга қараганда бадиий сўз, образлар орқали одамларга тезроқ етиб бориши ва кўпроқ таъсир кўрсатиши аён. Светофорнинг кўк кўзлари ҳақидаги қўшиқ болаларга нечоғли таъсир этгани ҳаммамизнинг эсимизда. Шунга монанд янги қўшиқлар, бадиий лавҳалар, сценарийлар ёзиш пайти келди. Ўзим ҳақимда гапирадиган бўлсам бастакор Султон Ҳайитбоев билан болаларга атаб «Йўл бердим» деган янги қўшиқ устида иш олиб бораётганимиз, бу борада бошқа режалар ҳам борлигини айтишим мумкин.

Йўл ҳаракатининг хатарсиз бўлишига эришиш биргина соҳа ёки тармоқ кишиларининг вазифаси эмас, балки ҳамманинг, ҳар бир кишининг ҳаётий муҳим ишидир. Буни қанча тезроқ англаб етсак, шунча яхши.

**Эркин САМАНДАР.**

*Азиз юртдошлар!*

*Бўш маблағларингизни фарзандларингиз истиқболи учун кўпайтириш имкониятидан фойдаланинг!*

Gallabank

# РИАТБ «ҒАЛЛАБАНК»

**"Соғлом авлод йили"да Сизларга қуйидаги мақсадли ва муддатли омонат турларини таклиф қилишдан мамнунлигини билдиради. Ушбу омонатлар орқали Сиз фарзандингиз номига қуйидаги омонат турларига жамғармалар қўйишингиз мумкин:**

**1 ойдан 7 ёшгача бўлган болалар учун — "7 x 25" омонат тури:**

*-1 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 8000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25% қўшилиб, 10000 сўмлик омонат дафтарчасини оласиз ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда унинг ҳисобида 32000 сўм маблағ тўпланади.*

*-1 ёшдан 2 ёшгача бўлган фарзандингиз номига 16000 сўм қўйсангиз, банк томонидан яна 25% қўшилиб, 20000 сўмлик омонат дафтарчасини оласиз ва фарзандингиз етти ёшга тўлганда унинг ҳисобида 55200 сўм маблағ тўпланади.*

*Шу тариқа 6 ёшгача бўлган болалар учун омонат қабул қилинади.*

**Мактаб ёшидаги болалар учун — "Соғлом авлод" омонат тури:**

*- ушбу омонат 2000 йил 1 апрелгача бўлган муддатда 9 ойга 5000 сўмдан 10000 сўмгача миқдорда мактаб ёшидаги болалар номига қабул қилинади ва ҳар ойда 5 фоиз миқдорида даромад тўланади.*

**Ўрта мактабни битирувчилар учун — "Сўнгги қўнғироқ" омонат тури:**

*- Мазкур омонат ўрта мактабни битирувчи ёшлар номига 2000 йил 1 апрелгача бўлган муддатда 2000 сўмдан 10000 сўмгача миқдорда 2 ойга қабул қилинади ва ҳар ойга 6 фоиздан қўшимча даромад тўланади.*



**Шу билан бирга барча фуқароларга "Янги Аср" омонати турига ўз маблағларини қўйишлари ва шу орқали юқори даромадга эришишларини маълум қиламиз. Ушбу омонат 10000 сўмдан 100000 сўмгача миқдорда 2000 йил 1 апрелгача 9 ой муддатга 33% даромад тўлаш шарти билан қабул қилиниб, олдиндан 11 фоизи тўлаб берилади.**

**Омонатларнинг шартлари тўғрисидаги қўшимча маълумотлар билан жойида танишишингиз мумкин.**

*Сизни қизиқтирган барча саволлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлардаги РИАТБ "Ғаллабанк"нинг бўлинмаларига мурожаат этишингиз мумкин.*

**Тошкент шаҳридаги манзил: 700060, Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси, 36.** **Тел.: (3712) 133-71-72, 136-38-29.**

2718

